

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ПАРДАЕВА ШАҲНОЗА АБДИНАБИЕВНА**

**ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ  
СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Пардаева Шахноза Абдинабиевна**

Хўжалик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув  
ҳисобини такомиллаштириш.....3

**Пардаева Шахноза Абдинабиевна**

Совершенствование стратегического управленческого учета финансовых  
результатов в хозяйствующих субъектах.....29

**Pardaeva Shakhnoza Abdinabiyevna**

Improvement of strategic management accounting of financial results in business  
entities.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....58

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ПАРДАЕВА ШАҲНОЗА АБДИНАБИЕВНА**

**ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ  
СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1719** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Умаров Зафар Абсаматович</b> иктисодиёт фанлари номзоди, профессор
<b>Расмий ошпонентлар:</b>	<b>Аҳмеджанов Каримжон Бакиджанович,</b> иктисод фанлари доктори (DSc), профессор  <b>Алиқулов Абдимўмин Исмаилович</b> иктисод фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Тошкент давлат аграр университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил «11» 12 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№237 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «3» 12 куни таркатилди.  
(2021 йил «3» 12 даги 52 - рақамли реестр баённомаси)



**Т.З.Тешабев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ф.К.Холмаматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

**И.Н.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёни хўжалик юритувчи субъектлардан узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш йўналишлари ва кўрсаткичларини белгилаб олишни талаб қилмоқда. Чунки, ривожланган бозор муносабатларига эга мамлакатларда мазкур тадбир "...компаниялар мувафақиятининг асосий омили бўлиб, стратегик аҳамиятга эга бўлган тезкор ва ишончли маълумотларни олиш ҳамда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб келмоқда"<sup>1</sup>. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларнинг нуфузли бренд компанияларида замонавий ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини таъминлаш учун шу соҳа учун масъул бўлган бухгалтер-таҳлилчиларнинг стратегик тарзда фикрлай олиш ва мулоҳаза қилиш кўникмаларини ривожлантиришга бош омил сифатида алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Сабаби, айнан бухгалтер-таҳлилчилар тайёрлайдиган маълумотлар тизими тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини беради, ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш, натижаларидан келиб чиқиб компания ички ресурсларини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш имкониятини яратади. Шу сабабли компанияларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи ана шундай омиллар йиғиндиси ҳамда бош мезони ҳисобланган молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритиш ҳамда халқаро ҳисоб амалиётида қўлланилаётган тажрибалардан миллий иқтисодиётимизга мос усулларини жорий қилиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда компаниялар рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланган стратегик бошқарув ҳисоби усуллари ва стратегияни оптималлаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ҳисоб ва таҳлил соҳасидаги амалга оширилган илмий изланишлар хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобининг амалий жиҳатларини атрофлича ёритиб бера олмайди, унинг услубий асослари замонавий рақобат муҳити талабларига тўлиқ жавоб бераётганлиги яққол кўринмоқда. Стратегик бошқарув ҳисобининг айрим жиҳатлари бўйича назарий ва амалий ишланмаларнинг етарли эмаслиги, шунингдек стратегик менежментнинг роли тобора ортиб бораётган шароитда дунё миқёсида компанияларнинг мазкур ҳисоб турига бўлган қизиқишининг кучайиши хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби назарияси ва амалиётини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, миллий ҳисоб тизимини молиявий ҳисоботнинг

---

<sup>1</sup> Друри К. Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. - 665 с. – (Серия «Зарубежник учебник»). Стр. 567-569.

халқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш”<sup>2</sup> иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди<sup>3</sup>. Шу муносабат билан бугунги кунда мамлакатимиз амалиётида нисбатан яқинда пайдо бўлган, аммо ривожланган бозор муносабатларига эга давлатларда самарали шакллантирилган стратегик бошқарув ҳисоби дозарб ҳисобланади. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари мамлакатимизда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби ўзининг шаклланиш жараёнида эканлиги ва унинг нафақат амалий жиҳатлари, балки бир қатор назарий ҳамда услубий масалалари ҳам ўзининг ижобий ечимини кутаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда шу соҳадаги ислохотларни амалга оширишда мазкур диссертация муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарори.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналар ва компанияларда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Апчерч, Э.Аткинсон, Р.Банкер, П.Брюэр, Р.Гаррисон, К.Друри, Р.Каплан, Э.Норин, К.Уорд, Дж.Фостер, Ч.Хорнгрен ва М.Янг<sup>4</sup>нинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан И.Н.Богатая, В.Б.Ивашкевич, В.Э.Керимов, И.Г.Кондратова, И.Е.Мизиковский, О.Е.Николаева, В.Ф.Палий<sup>5</sup> стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларни олиб боришган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.А.Абдуганиев, Н.Б.Абдусаламова, А.З.Авлокулов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, М.Б.Калонов, У.У.Костаев, Б.Ю.Махсудов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Н.К.Ризаев, Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов, И.К. Ғиёсовларнинг<sup>6</sup> илмий ишларида молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби, таҳлили ва аудитини ташкил қилиш, шунингдек стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари қисман ўз аксини топган.

Шу билан бир қаторда эътироф этиш жоизки, мазкур олимларнинг ишларида стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий

---

<sup>4</sup> Апчерч А.М. Управленческий учет: принципы и практика. Под ред. Апчерч А.М.: Финансы и статистика, 2002. -952 с.; Аткинсон Э.А., Банкер Р.Д., Каплан Р.С., Янг М.С. Управленческий учет. Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. –874 с.; Гаррисон Р., Норин Э., Брюэр П. Управленческий учет. СПб.: Питер, 2011. -592 с. –(Серия «Классика МВА»); Друри К. Управленческий и производственный учет. Вводный курс: учеб. Для студентов вузов /К.Друри. -5-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. - 735 с. –(Серия «Зарубежный учебник»); Уорд К. Стратегический управленческий учет. – М.: OZON.RU – 2002. –448 с.; Хорнгрен Ч., Фостер Дж., Датар Ш. Управленческий учет. Пер. с англ. -10-е изд. СПб.: Питер, 2005. -1008 с.

<sup>5</sup> Богатая И.Н. Стратегический учет собственности предприятия. Ростов на Дону, 2001; Ивашкевич В.Б. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник / В.Б.Ивашкевич. -3-е изд., перераб. и доп. – М.: Магистр: НИЦ ИНФРА-М, 2015. -448 с.; Керимов В.Э. Бухгалтерский управленческий учет / Керимов В.Э. -8-е изд. - М.: «Дашков и К», 2017. -484 с.; Кондратова И.Г. Основы управленческого учета. -М.: Финансы и статистика, 1998. -144 с.; Мизиковский И.Е. Бухгалтерский управленческий учет: курс-минимум: учеб. пособие /И.Е.Мизиковский. -М.: Магистр, 2009. -110 с.; Николаева О.Е. Стратегический управленческий учет: монография /О.Е.Николаева, О.В.Алексеева. –М.: Едиториал УРСС, 2003. -303 с.; Палий В.Ф. Управленческий учет издержек и доходов (с элементами финансового учета) /В.Ф. Палий. -М.: ИНФРА-М, 2006. -279 с.

<sup>6</sup> Абдуганиев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муамоллари, уларнинг ечимлари. – Т.: ТМИ, 2003. – 275 б.; Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати; Авлокулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. /Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2019 йил, 71 бет, Амалий бошқарув ҳисоби. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма /А.К. Ибрагимов, Б.А. Хасанов, Н.К. Ризаев – Т.: “Молия”, 2014. –404 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент, Iqtisod-Moliya”, 2008, - 152 б.; Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. /Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2019 йил; Костаев У.У. Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография/ У.У.Костаев; - Т.: “Iqtisod-Moliya”; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати; М.К.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Б.И.Исраилов. Корхонада молиявий ҳисобот таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Солиқ Академияси, 2009. – 76б.; Pardaev A.X., Pardaeva Z.A. Darslik //Boshqaruv hisobi. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. –556 б.; Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. - Т.:Iqtisod-Moliya, 2005. -308 б.; Ғиёсов И.К. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари. /Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. - Тошкент, ТМИ, 2020 йил, 169 бет.;

масалалари бўйича умумий мулоҳазалар берилган, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асослари билан боғлиқ муаммолар комплекс равишда тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилади.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишга доир назарий-методологик ёндашувларни танқидий ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш учун замонавий усуллар, хусусан қўшилган қиймат (EVA) ўлчовидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича амалий таклифлар бериш;

харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш мақсадида, унинг баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимида асосланган, такомиллашган моделини ишлаб чиқиш;

тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда стратегик прогноз балансининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш ва баҳолаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг истеъмол ҳамда сифат кўрсаткичларини юқори даражада сақлаб қолган ҳолда, унга сарфланаётган моддий, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарасини оширишга хизмат қиладиган тизимли тадқиқот усули – функционал қиймат таҳлили (ФҚТ) тизими, шунингдек “ABC”, “Таргет-костинг” ҳисоб тизимларидан фойдаланиш бўйича илмий жиҳатдан асосланган хулосани таклиф этиш;

молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш мақсадида молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичларни ўзида мужассам этган баланслаштирилган кўрсаткичлар блокларини шакллантириш асосида стратегик прогноз балансини тузиш бўйича илмий хулосаларни шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб хўжалик юритувчи субъектларда



молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий изланиш жараёнида аниқ фактлар асосида тадқиқот маълумотларни гуруҳларга ажратиш ҳамда индекс ва норматив усуллари ҳисобга олиб, уларнинг тузилишини ўрганиш асосида ижтимоий-иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни англашни мантиқий хулосалаш, таҳлил ва синтез қилиш, кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни таққослаш каби усул ва услублардан фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш учун иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) ўлчови ва капиталга қилинган инвестиция, харажатлар ва баҳосини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуаси таклиф этилган;

“қиймат занжири”га ҳамда эгилувчан бюджетни шакллантиришга асосланган, беш босқичли интеграллашган тизим таклиф этилган;

“ABC”, “Таргет-костинг” ҳамда “Кайзен-костинг” ҳисоб тизимларидан комплекс фойдаланиш тамойилига асосланган “тизимли ёндашув усули” таклиф этилган;

молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичларни ўзида мужассам этган баланслаштирилган кўрсаткичлар блокларини шакллантириш асосида стратегик прогноз балансини тузиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“фойда” категорияси таърифига ички салоҳият, яъни меҳнат, моддий ҳамда молиявий ресурслар билан бир қаторда ташқи салоҳиятни ифодаладиган номолиявий кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олишни киритишга асосланган муаллифлик ёндашуви таклиф қилинган;

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишга ёндашув таклиф қилинган, унинг элементлари, тамойиллари ва методлари аниқланган;

молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичларидан бўлган харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишни анъанавий тарздаги усулларида ташқари замонавий ва инновацион ҳисоб тизимлари асосида ташкил қилиш ва такомиллаштириш таклиф этилган;

стратегик бошқарув тизими самарадорлигини мажмуавий баҳолаш имкониятини яратадиган стратегик самарадорлик кўрсаткичлар мажмуаси аниқланган, молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлар блокидан иборат баланслаштирилган кўрсаткичлар блоклари шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг умумқабул қилинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, хўжалик юритувчи субъектларга оид маълумотларнинг ҳисобот манбаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда хўжалик юритувчи

субъектлар томонидан стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш ҳамда янада такомиллаштиришда фойдаланишга жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш, мамлакатимизда “Бошқарув ҳисоби” ҳамда “Оператив ва стратегик бошқарув ҳисоби” фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва услубий тавсияларда ўз ифодасини топади. Илмий натижалардан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш учун иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) ўлчови ва капиталга килинган инвестиция, харажатлар ва баҳосини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуаси бўйича берган таклифларидан “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида масъулият марказлари (сегментлари)да капиталларининг реал бозор қийматини баҳолашда фойдаланилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2021 йил 8 сентябрдаги 04-01-02/8778-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида комбинатни яхлит тарзда, шунингдек унинг алоҳида олинган таркибий қисмлари, сегментлари, масъулият маказларининг фаолиятлари самарадорлигини улар олаётган фойда кўрсаткичи орқали баҳолаш билан бирга, умумий капиталлари қиймати, яъни ҳар бирининг бозор баҳоси қанча миқдорни ташкил қилаётганлигини ҳам баҳолаш имконияти пайдо бўлди. Бунинг натижасида келгусида ҳар бир акционер учун олаётган дивиденд кўринишидаги фойда миқдорининг ўзинигина эмас, балким унинг комбинат акциясига қилган инвестицияси бўйича реал даромади даражаси қандай ўзгараётганлигини ҳам ҳисоблаш, таҳлил қилиш ҳамда кузатиб бориш имконияти яратилган;

“қиймат занжири”га ҳамда эгилувчан бюджетни шакллантиришга асосланган, беш босқичли интеграллашган тизим бўйича берган тавсиясидан “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда фойдаланилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2021 йил 8 сентябрдаги 04-01-02/8778-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни

амалиётда қўллаш натижасида комбинатда харажатларни бевосита жараёнларни амалга ошираётган ишчи-ходим томонидан улар вужудга келган жойларда (масъулият марказларида) амалга ошириш имконияти яратилди, эгри харажатларни юқори аниқликда тақсимлаш ҳамда уларнинг миқдорини узлуксиз тарзда оптималлаштириб бориш таъминланди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархини аниқ ҳисоб-китоб қилиш усули такомиллашди. Мазкур тадбирлар комбинатда маҳсулот таннархини камайтириш бўйича 2021 йилнинг январь-июнь ойлари учун тасдиқланган мақсадли параметрларни 103 фоизга ошириб бажаришга имконият яратди. Бу эса натижада ҳисобот даврида комбинатда маҳсулот таннархини 7 фозига камайтириш ҳамда харажатларни 502,8 млрд. сўмга оптималлаштириш имкониятини берган;

“ABC”, “Таргет-костинг” ҳамда “Кайзен-костинг” ҳисоб тизимларидан комплекс фойдаланиш тамойилига асосланган “тизимли ёндошув усули” бўйича таклифидан “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг истиқболда прогноз параметрларини белгилашда фойдаланилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2021 йил 8 сентябрдаги 04-01-02/8778-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф комбинатнинг стратегик салоҳиятини, хусусан, узоқ муддатга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар самарасини баҳолаш имкониятларини яратмоқда, хусусан, комбинатнинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар параметрларини 2026 йилгача белгилашда асосий башорат қилиш усули сифатида фойдаланилмоқда;

молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичларни ўзида мужассам этган баланслаштирилган кўрсаткичлар блокларини шакллантириш асосида стратегик прогноз балансини тузиш бўйича берган таклифидан “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида молиявий натижалар бўйича стратегик бошқарув қарорларининг тезкорлигини таъминлашда ва самарадорлигини оширишда фойдаланилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2021 йил 8 сентябрдаги 04-01-02/8778-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф комбинатнинг стратегик истиқболда молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгаришини, динамикасини ҳамда уларга таъсир қиладиган омилларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва натижада узлуксиз ҳамда тезкор тарзда параметрларига ўзгартиришлар киритиб бориш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар 2 та халқаро ҳамда 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ҳамда ижобий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 3 та хорижий ва 4 та республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил қилади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг аҳамияти ҳамда услубий асослари**” деб номланган биринчи бобида “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва комбинатда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш зарурияти асосланган, стратегик бошқарув ҳисоби тизимини ташкил қилишнинг назарий асослари, асосий босқичлари баён этилган ҳамда боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

“Навоий тоғ-кон металлургия комбинати” ДК ишлаб чиқариш ҳажми, жойлашган майдони, даромадлилик даражаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг кўплиги, аҳолини иш билан банд бўлиш даражаси бўйича мамлакат иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллайди.

2010-2019 йиллар мобайнида комбинатнинг инвестиция дастурлари доирасида 3 061 млн. долл. миқдорида капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 65 та ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилган<sup>7</sup>.



**1-расм. “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида ўзлаштирилган инвестиция ҳажми ва ишга туширилган лойиҳалар<sup>8</sup>.**

<sup>7</sup> Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография /У.У.Костаев: - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2020. – 180 бет.

<sup>8</sup> “Навоий КМК” ДК асосий кўрсаткичлари бўйича йиллик статистик ҳисоботлар маълумотлари.

Мустақиллик йилларида “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК биргина 2019 йилнинг ўзида маҳаллийлаштириш дастури доирасида 83 та лойиҳа бўйича 136 млрд. сўмлик, шу жумладан 14 та янги лойиҳа бўйича 7,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш дастурида кўзда тутилмаган умумий қиймати 96,2 млрд. сўмлик 386 турдан ортиқ импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилган<sup>9</sup>. 2020 йилнинг якунлари бўйича 20 та йирик солиқ тўловчи компаниялари қаторида “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК етакчилик қилмоқда. Ушбу компаниялар бюджетга тўлаган солиқ тўловлари миқдори умумий бюджет даромад қисмининг 47,3 фоизини ташкил этмоқда. 47,3 фоиз ичида “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКнинг улуши 20,1 фоизни ташкил қилган.

1-жадвал

**“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида  
2018-2020 йилларда молиявий кўрсаткичлар динамикаси<sup>10</sup>**

(млрд. сўмда, 1 январь ҳолатига )

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил
<b>АКТИВ</b>			
<i><b>I. Узоқ муддатли активлар</b></i>			
<b>Асосий воситалар:</b> қолдиқ (баланс) қиймати	4886,8	7866,1	11376,8
<b>Номоддий активлар:</b> қолдиқ (баланс) қиймати	1,1	0,6	0,4
Узоқ муддатли инвестициялар	46,2	74,1	79,6
Ўрнатилган асбоб-ускуналар	4,1	582,7	385,7
Капитал қўйилмалар	420,7	1827,3	2334,9
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	12,3	12,4	20,2
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	0,0	0,0	354,5
<b>I бўлим бўйича жами</b>	5371,1	10363,2	14552,2
<i><b>II. Жорий активлар</b></i>			
Товар-моддий захиралар	1542,0	2027,3	3479,1
Келгуси давр харажатлари	41,3	173,1	498,5
Кечиктирилган харажатлар	3,0	0,0	0,0
Дебиторлар	655,3	549,5	1567,5
Пул маблағлари	1376,2	462,5	1607,1
Қисқа муддатли инвестициялар	0,4	2,8	4,6
Бошқа жорий активлар	3,5	3,2	0,9
<b>II бўлим бўйича жами</b>	3621,7	3218,4	7157,7
<b>Баланс активи бўйича жами</b>	8992,8	13581,6	21709,8
<b>ПАССИВ</b>			
<i><b>I. Ўз маблағлари манбаи</b></i>			
Устав капитали	980,4	995,2	980,4
Резерв капитали	2618,0	4031,8	4402,1
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	3373,8	4973,5	5243,7
Мақсадли тушумлар	67,0	65,7	71,9
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар	6,5	5,9	5,9
<b>I бўлим бўйича жами</b>	7045,7	10072,1	10704,0
<i><b>II. Мажбуриятлар</b></i>			
Узоқ муддатли мажбуриятлар	954,9	1874,1	8126,1
Жорий мажбуриятлар	992,1	1635,3	2879,8
<b>II бўлим бўйича жами</b>	1947,1	3509,4	11005,9
<b>Баланс пассиви бўйича жами</b>	8992,8	13581,6	21709,8

<sup>9</sup> Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография /У.У.Костаев: - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2020. – 180 бет.

<sup>10</sup> Навоий КМК” ДК асосий кўрсаткичлари бўйича йиллик статистик ҳисоботлар маълумотлари.

“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2010-2020 йиллар оралигидаги молиявий кўрсаткичларининг таҳлили динамикаси шуни кўрсатадики, комбинатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларнинг натижасида якуний молиявий натижаларнинг ўсишига эришилган. Жумладан, комбинатнинг соф фойда миқдори 2010 йилда 140,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 5 244 миллиард сўмни ташкил қилган (1-жадвал).

Шу билан бир қаторда, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аксарият хўжалик юритувчи субъектларда бўлгани каби “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида ҳам молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби олиб борилмайди ёки у комплекс тарзда самарали ташкил этилмаган. Комбинатнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили кўрсатадики, комбинат стратегик ривожланиш бўйича бир неча муҳим йўналишларда фаолиятларини режалаштирган, стратегик истиқбол кўрсаткичларини белгилаган. Истиқболда ана шу стратегик мақсадларнинг самарали тарзда бажарилишини эса, комбинатда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этмасдан ва юритмасдан эришиб бўлмайди.

Комбинатда ҳозиргача стратегик бошқарув ҳисобининг ташкил этилмагани ва юритилмаётганлиги сабаби, фикримизча, умуман стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этиш юзасидан республикамиз бўйича ягона услубий асоснинг мавжуд эмаслиги, иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари учун услубий қўлланмаларнинг йўқлиги ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиши ва кучли рақобат муҳитида мамлакатимиздаги мавжуд корхоналар амалий жиҳатдан самарали ҳисобланган стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишга эҳтиёж сезмоқда. Бойси хўжалик юритувчи субъектларда фойдаланиладиган тезкор турдаги маълумотларнинг энг асосий ва катта қисмини айнан бошқарув ҳисоби шакллантириб бериши зарур. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобининг моҳияти, таркиби ҳамда назарий асослари ҳақида чуқур тадқиқотлар олиб бориш талаб қилинмоқда.

Ҳозирда баъзи раҳбар ва менежерлар кўпинча стратегик бошқарув ҳисобининг корхона ёки ташкилот амалиётидаги ўрнини, уни амалиётга жорий қилишдан кўзланган мақсад ва вазифасини тушунмаябди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда стратегик бошқарув ҳисобининг моҳиятини, уни хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги тутган ўрни ҳамда корхона бошқарув тизимидаги аҳамияти тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас.

Эътироф этиш керакки, хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ҳамда уни самарали тарзда юритишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик, шунингдек, МДҲ ҳамда Ўзбекистонлик бир қатор йирик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Аммо, уларнинг ишларида стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг айрим услубий ёки амалий масалалари бўйича умумий

мулоҳазалар берилган. Ҳозирги пайтда унинг нафақат амалий жиҳатлари, балким назарий-услубий масалалари борасида ҳам аниқ бир тўхтам ва яқдил қарашлар шаклланмаган. Хусусан, стратегик бошқарув ҳисобининг бошқа ҳисоб турларидан фарқи, мақсади, бажарадиган функциялари, тамойиллари ва уни ташкил қилиш борасида ўзининг ижобий ечимини кутаётган қатор мушоҳадалар ҳамда мунозарали масалалар бор.

Юқорида қайд қилинган илмий хулоса ва мушоҳадалар асосида хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ҳамда уни самарали тарзда юритиш бўйича хорижлик, шунингдек МДХ мамлакатлари ҳамда республикамизнинг иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқот натижалари ўрганилди, умулаштирилди, таҳлил қилинди.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари айни пайтда ҳаттоки стратегик бошқарув ҳисобининг терминологик моҳияти бўйича ҳам ўз қарашларига ҳам эга эмас.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, стратегик бошқарув ҳисобининг вазифалари аниқ кўрсатиб берилди, функциялари кўрсатилди, методлари аниқлаштирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби ҳолати ва уни ташкил қилиш ҳамда юритиш асослари”** деб номланган бўлиб, унда хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисоби ҳолати таҳлил қилинган, шу борадаги иқтисодчи олимларнинг мавжуд илмий тадқиқотлари натижалари ўрганилган, умулаштирилган, молиявий натижаларни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар, яъни даромад, харажат ҳамда фойда категорияларининг иқтисодий моҳиятлари талқин қилинган ҳамда уларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш йўналишлари кўрсатилган.

“Фойда” категорияси миқдорининг ўлчами оддий ва унинг миқдори қанча кўп бўлса, шунча яхшилигига қарамасдан, унинг иқтисодий моҳиятини тадқиқ қилиш муаммоли жараёнлар билан боғлиқдир. Сабаби, фойда кўрсаткичи моҳиятига иқтисодий назарияда бошқа тарафидан, макроиқтисодда бошқа тарафдан, бухгалтерия ҳисоби ҳамда таҳлилда бошқа тарафидан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида умуман бошқа тарафидан, солиққа тортишда эса мутлақо бошқа тарафидан қаралади. “Фойда” категориясининг моҳияти иқтисодий таълим ривожланиб бориши билан ҳамisha ўзгариб бормоқда, лекин, шу билан бир қаторда то ҳонузгача унинг моҳиятини аниқлашга ягона ёндошув шакллангани йўқ.

Тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, фойда кўрсаткичининг моҳияти талқини турлича, яъни ягона ва бир хилдаги ёндошув мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда барча олимлар фойдани даромаднинг бир тури деб эътироф этишган. Шунингдек, барча олимлар фойдани ҳисобланадиган миқдор кўрсаткичи деб тан олишган. Фойданинг иқтисодий моҳиятини талқин қилиш борасида иқтисодчи олимларнинг мавжуд талқин ҳамда қарашларини умулаштириш асосида унинг таърифини қуйидагича келтириш мумкин, деб



ҳисоблаймиз: *Фойда – маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан тушган даромаддан харажатларни қоплагандан кейин қоладиган қўшилган қийматнинг бир қисми бўлиб, субъект фаолиятининг якуний молиявий натижасини ифодаловчи кўрсаткичдир.*

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ҳамда якуний натижаларнинг самарадорлигини баҳолаш, уларни стратегик истиқболда бошқариш, тезкор тарздаги ўзгартиришлар киритиб бориш мақсадида фақат фойда кўрсаткичи миқдорининг ўзини ҳисобга олишнинг ўзи етмайди, деган илмий хулосага келинди. Шу кўрсаткич билан бирга молиявий натижалар бўйича стратегик кўрсаткичлар миқдорини аниқ белгилаш ва ҳисобга олиш учун жаҳон амалиётида яқинда пайдо бўлган ва муваффақиятли тарзда амалиётга жорий этиб келинаётган кўрсаткич – “иқтисодий қўшилган қиймат” кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш, таклиф этилди.

Иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) кўрсаткичи, соф операцион фойда миқдоридан ҳақиқатда вужудга келган ҳамда тан олиниши керак бўлган чиқим-сарфлар, шунингдек баъзи бир солиқ тўловларини чиқариб ташлагандан кейин қоладиган миқдор бўлиб, у “иқтисодий даромад” ёки “иқтисодий капитал” деб ҳам юритилади. Оддийроқ ифодаланадиган бўлса, иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) ҳамда қолдиқ фойда концепцияси бир қарашда ўхшаш кўрсаткичлар, лекин, улар ўртасида фарқ бор. Бу кўрсаткичларни ҳисоблашда соф фойда миқдори олинади, лекин EVAни ҳисоблаётганда, фойда миқдоридан солиқ тўловлари суммаси чегириб ташланади; шунингдек EVAни ҳисоблаётган вақтда, шахсий капиталга харажатлар ўрнига, молиялаштириш харажатлари ҳамда мулкдорларнинг альтернатив бозор даромадларини кўрсатувчи шахсий капиталга ўртача харажатлар кўрсаткичидан фойдаланилади. Ўртача харажатлар кўрсаткичидан фойдаланиш, турлича харажатлар қилган барча акциядорларнинг даромадлари даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Оддийроқ ифодалайдиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти (менеджерлари) олинган режалаштириладиган фойда миқдorigа эришиш билан бир қаторда, ана шу фаолиятга йўналтирилган капиталдан самарали фойдаланиши ва шу капиталга жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлигини ошириши ҳам, керак бўлади. Яъни, “нима бўлса ҳам юқори даражада” фойда олиш тамойилидан воз кечилади ва ана шу фойда ўзи бизга қанчага тушяпти?, деган саволга ҳам аниқ ҳисоб-китоблар асосида жавоб беришга тўғри келади.

Бу ёндошувнинг долзарблиги яна шу ҳолат билан белгиланадики, “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқлаган Дастур асосида 2022 йилдан бошлаб 3 та йирик субъектларга, яъни 2 та акциядорлик жамиятларига ҳамда “Навоийуран” давлат корхонасига айлантирилади ҳамда ана шу субъектларнинг акцияларини жаҳон бозорларида котировкаси амалга оширилади. Бу эса биз томонимиздан таклиф этиладиган иқтисодий

кўшилган қиймат (EVA) кўрсаткичидан фойдаланиш заруриятини янада оширади.

Ҳозирги пайтда EVA кўрсаткичини ҳисоблашнинг турли ёндошувлари мавжуд, лекин барча ёндошувлар Б.Стюарт томонидан ишлаб чиқилган ва таклиф этилган формула асосида ҳисобланади:

$$EVA = NORAT - WACC * IC,$$

бу ерда: NORAT – солиқ тўловларидан кейинги операцион фойда;

WACC – капиталга қилинган ўртача харажатлар;

IC – инвестиция қилинган капитал (*ҳисобот даври бошидаги балансдаги активлар миқдори чиқариб ташлангандан кейингиси (корректировка қилингани)*).

Корректировка қилинмаган (тузатилмаган) инвестиция қилинган капитал миқдори жами активлар миқдоридан тўланган фоизлар суммасисиз қисқа муддатли мажбуриятларни чегириб ташлаган миқдорга тенг, яъни:


$$IC = NBV - NPL,$$

бу ерда: IC – тузатишлар киритилмаган инвестиция қилинган капитал;

NBV – жами капиталга миқдори;

NPL – тўланган фоизларсиз, қисқа муддатли мажбуриятлар (*яъни, мол отказиб берувчилар олдидаги кредиторлик қарзлари, бюджетдан қарзлар, олинган аванс миқдори ва шу каби бошқа қисқа муддатли кредиторлик қарзлари*).

Юқорида келтирилган формулалардан кўриниб турибдики, иқтисодий кўшилган қиймат (EVA) кўрсаткичи фақат фойда эмас, балким, хўжалик юритувчи субъектнинг инвестиция қилган капитали миқдорини ҳам ҳисобга олади. Шунингдек, юқоридаги формулалар мазмунидан келиб чиқиб, EVA кўрсаткичига бевосита таъсир қиладиган омилларни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (2-расм).



2-расм. Иқтисодий кўшилган қиймат (EVA) кўрсаткичига таъсир қилувчи омиллар<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Хўжалик юритувчи субъектда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш мақсадларидан келиб чиқиб, ана шу EVA кўрсаткичига таъсир қилувчи омиллар яна ҳам деталлаштирилиши мумкин.

Хусусан, капиталга қилинган ўртача харажатлар (WACC) миқдорини ифодаловчи кўрсаткичнинг ўзига ҳам бир қатор омиллар бевосита таъсир қилади ва ана шу таъсирлар натижасини қуйидаги формула кўринишида ифодалаш мумкин:

$$WACC = \frac{L \times W_L(1 - T)}{NBV} + \frac{E \times W_E}{NBV}$$

буерда: L – қарз капиталининг ҳисобдаги баҳоси;

E – мулкдорлар капиталининг ҳисобдаги баҳоси;

$W_L$  – қарз капиталининг миқдори, сўмда;

$W_E$  – мулкдорлар капиталининг миқдори, сўмда;

T – фойда солиғи, фоизда.


EVA кўрсаткичи миқдорини унга таъсир қилувчи омилларнинг миқдорини ошириш эвазига ошириш мумкин ва бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъект қийматининг ошиб боришига олиб келади. Аниқроғи, иқтисодий қўшилган қиймат (EVA) миқдори қуйидаги омиллар таъсирида ўсиши мумкин:

- сотувдан тушадиган даромад миқдорининг ошишидан;
- фаолият йўналишидан олинадиган фойда миқдорининг ошишидан;
- харажатлар миқдорининг камайишидан (жорий харажатларни тежаш ёки оптималлаштириш натижасида, норентабель ишлаб чиқариш объектларини қисқартириш ва ш.к.);
- капиталга қилинадиган харажатларни оптималлаштиришдан.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк шакли ва фаолият туридан қатъий назар, унинг мулкдорлари EVA кўрсаткичи орқали стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда ўз ҳаракатларини ўзгартиришлари ёки ўзгартиришлар киритиб боришлари мумкин. Қуйидаги 3-расмда EVA кўрсаткичи билан мулкдорларнинг иқтисодий манфаатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик акс эттирилган.

Молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишда фойда кўрсаткичи билан бир қаторда иқтисодий қўшилган қиймат моделидан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектнинг қийматини (бозор баҳосини) аниқ ҳисоблаб бориш имкониятини беради. Бу эса хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари томонидан ҳамisha энг самарали стратегик бошқарув қарорлари қабул қилишлари учун мотивация бўлади.

Шундай қилиб, иқтисодий қўшилган қиймат моделининг аҳамияти ва ролини қуйидагича ифодалаш мумкин, деб ҳисоблаймиз: фойда концепциясига альтернатив йўналиш бўлиб ҳисобланади ва хўжалик юритувчи субъект капиталининг самарадорлигини ифодалайди; хўжалик юритувчи субъектнинг нафақат фойда кўрсаткичи даражасини эмас, балким унинг реал баҳоси ҳам қандай ўзгараётганлигини кўрсатиб боради;



**3-расм. Стратегик бошқарув ҳисобида EVA кўрсаткичи билан мулкдорларнинг иқтисодий манфаатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик<sup>12</sup>**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятини рағбатлантирувчи, яъни мотивация уйғотувчи восита ҳисобланади; асосий эътиборни капиталдан (ресурслардан) фойдаланиш харажатларини камайтиришга қаратишдан

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

фаркли ўлароқ, бу концепция капиталдан фойдаланиш самарасини оширишга йўналтирилганлиги учун, пировард натижада хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижасининг фойда даражасини сезиларли тарзда оширишга олиб келади; стратегик бошқарув ҳисобида иқтисодий кўшилган қиймат моделининг қўлланлиши хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижасини баҳолаш сифатини оширишга хизмат қилади; стратегик бошқарув ҳисобида иқтисодий кўшилган қиймат моделининг қўлланилиши хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига инвестиция қарорларини қабул қилишда ўз ҳаракати ҳамда стратегик бошқарув қарорларини тезкор тарзда тузатиб боришга (корректировка қилишга) имкон яратади.

Диссертациянинг “**Молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари**” деб номланган учинчи бобида хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари, хусусан харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини интеграллашган модель орқали такомиллаштириш таклиф этилган. Тадқиқот натижалари бўйича жаҳон иқтисодининг ҳозирги глобаллашуви ва бунинг натижасида рақобат муҳитининг янада кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитида хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш мақсадида, унинг интеграллашган моделидан фойдаланиш таклиф этилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини янада такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган беш босқичли моделнинг моҳияти<sup>13</sup>**

Модель босқичлари	Амалдаги ҳолатни тизимлаштириш амалга оширилди	Таклиф этилаётган янгилик
1	1.1. Молиявий натижаларга масъул бўлган тузилма шакллантирилади; 1.2. Ҳисоб объектлари аниқланади; 1.3. Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими шакллантирилади.	Ходим-мутахассислар таналанади. Ҳисобга олиш учун қайд қилинади. “Стандарт костинг”, “Директ костинг”, “ABC” усулларида фойдаланади.
2	Молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув <u>ҳисоб сиёсати</u> ишлаб чиқилади	Харажатларни ва номолиявий кўрсаткичларни “ <u>Қиймат занжир</u> и усули” бўйича ҳисобга олиш
3	<u>Режалаштириш</u> амалга оширилади	Харажатларнинг миқдори “Директ костинг” усули асосида <u>режалаштирилади</u> .
4	<u>Тезкор назорат</u> тизими жорий этилади	“Директ костинг” ҳисоб тизими тамойиллари асосида <u>эгилувчан бюджетни шакллантириши</u> .
5	Мехнатни <u>рағбатлантириш тизими</u>	Баланслаштирилган кўрсаткичларни ошириб бажарганлар рағбатлантирилади.

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Диссертацияда моделни бир неча босқичда амалга ошириш таклиф этилган, хусусан, унинг биринчи босқичида:

1. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижаларига алоқадор бўлган тузилмани шакллантириш таклиф этилган;

2. Режалаштириладиган, ҳисобга олинадиган, назорат қилинадиган ҳамда бошқариладиган барча объектларнинг номларини қайд қилиш ва тасдиқлаш тартиби кўрсатилган;

3. Фаолият натижаси ҳамда самарадорлиги даражасини баҳоловчи баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш бўйича амалий таклиф шакллантирилган. Мана шу босқичда харажатларни ҳисобга олишнинг “Директ костинг”, “ABC” (Activity Based Costing – “Асосий фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш” ҳамда “Қиймат занжири усул”ларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таклиф этилаётган интеграллашган моделнинг иккинчи босқичида (2-жадвал) харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ҳамда юритишнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш тавсия қилинган. Диссертация ишида харажатларнинг стратегик ҳисобини ташкил қилиш ва юритишни тартибга солувчи ҳисоб сиёсати мазмуни, таркибий бўлимлари, тамойил ва йўналишлари кўрсатиб берилган.

Интеграллашган моделнинг учинчи босқичида (2-жадвал) – стратегик бошқарувнинг муҳим функцияси, яъни режалаштиришни амалга ошириш таклиф этилган. Бу жараёнда “Директ костинг” ҳисоб тизими тамойиллари асосида эгилувчан бюджет шакллантирилади. Аниқроғи, эгилувчан бюджет тузилиши асосига харажатларнинг шартли-ўзгарувчан (ШЎ) ҳамда шартли-доимийларга (ШД) бўлиниши тамойили олинади (3-жадвал).

3-жадвал

**Эгилувчан бюджет асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини баҳолаш<sup>14</sup>**

Кўрсаткичлар	Статик бюджет (СБ)	Факт	Факт маълумотларнинг статик бюджетдан четланиши	Эгилувчан бюджет (ЭБ)	Факт маълумотларнинг эгилувчан бюджетдан четланиши	Эгилувчан бюджетнинг статик бюджетдан четланиши
1. Сотув ҳажми, дона	6 000	5 800	-200	5 800	-	-200
2. Баҳоси, сўмда	900	980	+80	900	+80	-
3. Тушум, минг сўмда	5 400	5 684	+284	5 220	+464	-180
4. Бир донанинг ШЎ харажати, сўмда	400	430	+30	400	+30	-
5. Жами ШЎ харажат, минг сўмда	2 400	2 494	+94	2 320	+174	-80
6. ШД харажатлар, минг сўмда	350	400	+50	350	+50	
7. Жами харажатлар, минг сўмда	2 750	2 894	+144	2 670	+224	-80
8. Бир донанинг таннархи, сўмда	750	830	+80	750	+80	-
9. Маржинал даромад, минг сўмда	3 000	3 190	+190	2 900	+290	-100
10. Фойда, минг сўмда	2 650	2 790	+140	2 570	+220	-80

<sup>14</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, эгилувчан бюджет ишлаб чиқариш (сотув)нинг ҳақиқий ҳажми ҳамда баҳо, шартли-ўзгарувчан ва шартли-доимий харажатларнинг режадаги даражасидан келиб чиқиб тузилган. Жадвалдаги четланишлар тўғрисидаги маълумотлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалари тўғрисида, шунингдек ана шу четланишларга таъсир қилган кўрсаткичлар (омиллар) тўғрисида тезкор тарзда баҳолаш, шунга мувофиқ тарзда эса стратегик бошқарув қарорлари қабул қилиш, имкониятини беради.

